

ЛИНГВОПОЭТИКАНИНГ ГЕРМЕНЕВТИК АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети,
хорижий тиллар кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

Қурбонова Муққаддас Омоновна

*Халқаро муносабатлар ва ижтимоий-гуманитар фанлар факультети, Ўзбек
тили ва адабиёти йўналиши талабаси*

Амирова Мехрибон Бехзод қизи

Аннотация: *Мазкур мақолада мустақиллик даври дostonларининг герменевтик асослари, ўзига хосликлари ва давр ижодкорларининг сўз қўллаш маҳорати, семантик маъно имкониятлари ҳақида фикр юритилади.*

Таянч сўз ва иборалар: *Мустақиллик даври, дostonлар тили, лингвопоэтика, ўзига хослик, дунёқараш, қочирқ, воситаси, халқ, ижод, лексема, маъно, герменевтика.*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются герменевтические основы, особенности былин периода независимости, мастерство использования слова, возможности смыслового значения творцов данного периода.*

Ключевые слова и выражения: *период независимости, язык эпоса, лингвопоэтика, идентичность, мировоззрение, средство, формула, народ, творчество, лексема, значение, герменевтика.*

Abstract: *This article discusses the hermeneutic foundations, peculiarities of the epics of the period of independence, the skill of using words, and the possibilities of semantic meaning of the creators of the period.*

Key words and phrases: *Independence period, language of epics, linguopoetics, identity, worldview, mule tool, people, creation, lexeme, meaning, hermeneutics.*

Бугунги кунда барча соҳалар каби филология фани соҳасида ҳам, илмий тадқиқотлар, фанлараро системавий ёндашув асосига қурилган бўлиб жуда кўплаб мулоҳаза ва муаммоли вазиятларга юз тутаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бинобарин, бизнинг ўзбек олимлари ҳам ушбу муаммоларни ҳал этишга астойдил киришиб, лингвопоэтика соҳасида ўзига хос мактаб яратди десак адашмаган бўламиз.

Бироқ, ушбу соҳа ўтган асримизнинг 60 йилларида тараққий эта бошлаган ва асосан рус олимлари томонидан илк бора ўзига хос муносабат билдирилиб керакли илмий – амалий назарлари ишлаб чиқилган бўлсада ҳали ҳам ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган саволлар талайгина. Шу маънода ушбу соҳада илмий тадқиқотларни амалга оширган ва ҳозирги кунда ҳам лингвопоэтик муаммоларга ўзига хос тарзда ечим топишга ҳарат қилган ва қилаётган бир қанча жаҳон олимларини эслатиб ўтмоқчимиз.

Россиянинг етук олимлари В.В.Виноградов, Потенба, Щерба, Лотман, Гумбольд, Задорнов, Липгард ва Ўзбекистон мустақиллиги ҳозирги даврида илмий

изланишлар олиб бораётган ўзбек тилшунос олимлари С.Каримов, М.Йўлдошев, Г.Жуманазарова, С.Умирова, М.Қурбонова шулар жумласидандир.

Лингвопоэтика соҳаси ўз тадқиқот объекти сифатида ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик нуқтаи назаридан муҳим муаммоларни ҳал қилар, бадиий асарларни чуқур мушоҳада орқали шарҳлар экан, нега биз уни фақат тилшуносликка тегишли деган, бизнингча, нуқтаи назарда қатъий туриб олишимиз керак, ваҳоланки лингвопоэтиканинг муаммолари нафақат тилшунослик, поэтика балки бевоста ва билвосита герменевтика соҳаси билан ҳам чамбарчас боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Лингвопоэтиканинг энг асосий вазифаси оддий ва тажрибасиз китобхонга бадиий матннинг туб мазмун-моҳиятини ташкил қилувчи сўзлардаги яширин, баъзида эса ҳар қандай оқилман деган киши ҳам илғай олмайдиган сўзларнинг асл ички-туб маъносини кашф этиш ёки юзага чиқариш санъати эмасми аслида. Шундай экан, биз аввалги ишларимизда ҳам айтган фикрларимизни яна бир бор эътироф этган ҳолда, лингвопоэтика тил ва адабиётни бирлаштирувчи яхлит ҳолдаги тушунча, илмий термин –филологпоэтикага тамоман алоқадордир. Шунинг билан бирга, қадимдан, у кўплаб фанларга асос бўлган ва бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган герменевтика фани муаммоларини ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга,- деган фикрдамиз.

Юқридаги фикрларимизни исботи сифатида, Фарб олими Ханс Георг Гадамернинг куйидаги фикрлари ҳақида мушоҳада юритишни лозим топдик. Олмониялик олим Ханс Георг Гадамер лингвопоэтиканинг герменевтика билан алоқадорлиги ҳақидаги шу каби муҳим фикрларни баён қилади. Герменевтика фани ўзининг кўп асрлик тараққиёт босқичига эга бўлиб, қадимда ва ўрта асрларда, асосан, илоҳий, муқаддас китобларни шарҳлаш билан шуғуланган ва XX асрга келиб фалсафа фанининг предмети сифатида бўй кўрсатди. Герменевтика фани ривожининг ўрта асрлардаги яна бир қоидаси “энг сўнгги саҳифасигача ўқи” ҳисобланган. Инглиз тилидаги асарларни рус тилига таржимасини қиёсан ўрганилганда бугунги кунда ҳам таржимонлар томонидан қадимги қоидаларга амал қилинаётганлигининг ва ушбу фаолият герменевтика фани билан боғлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз.

- “Вошёл секретарь”
- “Он страдал, когда **вошёл** секретарь с какой-то бумажкой”
- “Вообще-то мистер Селлик, лорд Тилберри,- **отвечала секретарша**, которая **знала** абсолютно всё и **носила**, чтобы это подтвердить, очки в роговой оправе”.

Ушбу қоидада Герменевтиканинг ғоялар оламидаги тахминларга кўра қисм маъноси бутундаги маънога боғлиқдир. Шундай қилиб, бундай вазиятда, матн маъносининг бутундан қисимга ва қисимдан бутунга айланма ҳаракати кузатилади. XX аср олимлари герменевтикани контекстдаги ўта муҳим ва нозик воқеа ҳамда ҳодисаларни илғай олиш санъати деб қарайдилар. Китобхоннинг текстни ўқишга бўлган сабаби муаллиф ва реципиент(изоҳловчи) учун муҳим ҳаётий мулоқотдир. Текст бу ҳолатда ўзида, нафақат уни маъносини чуқур билиб олиш ва ёки изоҳловчи

маъно халтаси, балки текстни ўқиш жараёнидаги қадам бо қадам моҳиятини англаш санъатихамдир.

Георг Гадамер бу ҳақда ғаройиб фикрни эътироф этиб: “Текст бу унинг мавжудлигида эмас, балки унинг ўйга чўмдира олиши билан изоҳланади, - дейди.

XX аср охирларига келиб, герменевтика, таржима назарияси ва практикасида кенг қўлланила бошлади. Бунга сабаб таржима, мазмун, мақсад ва вазифасига кўра герменевтикага жуда яқин туради. В.И.Карасик берган таърифига кўра эса, герменевтик дискурсининг моҳияти текстдаги баъзи бир, ноаниқ, кўз ва ақл илғамас маъноларни изоҳлашдир, - дейилади. Биз ҳам В.И.Карасикнинг герменевтикага доир ушбу қарашларини эътироф этган ҳолда ўз фикримизни баён этишда давом этамиз.

Минг йиллик тарихга эга бўлган филологик изланишларда бадиият масаласи ҳам ҳамиша шеър аҳлининг диққат марказида бўлиб келган. У ёки бу ижодкор салоҳияти ҳақида сўз борганда, унинг нималарни тасвирлагани эмас, асосан, қандай тасвирлаганига эътибор қаратилган. Жумладан, адабий асарларда шеърини санъатлардан фойдаланиш маҳорати ҳамма асрларда бадиий санъаткорликнинг асосий қирраларидан бири сифатида баҳоланган.

Шундай экан, қайси бир шоир ижодига, қайси бир бадиий асарга баҳо берилар экан, ижодкор ифодалаётган ғоя ўз аксини топган ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, маърифий-тарбиявий муаммолар моҳияти ва кўлами, бадиий тимсоллар жилоси билан бир вақтда қўлланган шеърини санъатларнинг ранг-баранглиги, мантикий асосланиши, асар мазмунини очишдаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга ҳам алоҳида диққат қилинган.

Шу ўринда таниқли адабиётшунос олим Д.Қурононов бугунги кун шеърлари таҳлилида: “Демак, шоир ўзи хоҳлаган йўсинда эмас-ўқувчиларнинг миллий, ахлоқий, эътиқодий қарашлари доирасида, уларнинг шаъни, ғурури, туйғуларини оғринтирмайдиган тарзда ифодалашга бурчли.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, фанда лингвопоэтик ва поэтик муаммолар маълум даражада ўз жавобини топганини эътироф этишимиз мумкин. Бироқ, бугунги кундаги интеграциялашув жараёнидаги эҳтиёж лингвопоэтика тараққиёти учун ҳам бу борада тўпланган билим ва тажрибалар етарли эмаслигини кўрсатади. Бу эса, шунингдек, лиро-эпик жанрлар таҳлилининг янгича талқинини, айнан, тизимли асосда тадқиқ этилиши ва монографик тадқиқот объекти сифатида тавсифлаш, муайян давр ёзма дostonлари бадиий такомилини ўзбек менталитетига хос илмий тафаккури, миллий-руҳий дунёси ва соғлом ижтимоий турмуш тарзи ривожини билан биргаликда ўрганиш, жаҳон филологиясини бундан хабардор қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Шунингдек, халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган дostonлардан фарқли равишда, айнан, ўзбек ёзма дostonлари, айниқса, мустақиллик йилларида ўзбек ижодкорлари томонидан яратилган дostonларнинг лингвопоэтик тадқиқи уларнинг бадиий-эстетик қиммати, бадиий таъсир кучини белгилаш ва янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Жамиятда содир бўладиган ҳар қандай жараён муайян жамиятнинг барча соҳаларида ўзига хос ўзгариш ясаши табиийдек, мустақиллик даврида яратилган ёзма дostonлар ҳам мана шундай ижобий ўзгаришларга бой бўлиб, ўрганиш учун ўзига хос муҳим ва қимматли манба ҳисобланади.

Баъзан тарихий, баъзан бугунги кун руҳи билан суғорилган, ижтимоий ҳаёт муаммоларини ўзида акс эттирган, мустақиллик даврида яратилган дostonлар, ўйлаймизки, ўзбек филологиясига лингвопоэтик ҳамда поэтик нутқ таҳлили муаммоларини ҳал қилишда кўплаб маълумотлар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004; Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993; Абу Али ибн Сино. Фонетика ҳақида рисола. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979.

2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. Т., 2001. – Б. 389.

4. lib.uzbender.ru/article.php?id=4597 library.ziyonet.uz/ru/book/57314

5. Д. Қуроноф. Шеърда мантик керакми?. Шарқ юлдузи-2/2017. – Б. 138.

6. Ҳамид Олимжон. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. – Т.: Фан, 1982. 6-т. 63-бет.

7. Қаранг: Гегель”Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси”. (Ўзбек тилига Абдуллаев М. таржимаси.) I-том. – Тошкент. 2012.

8. Ахманова О.С. К вопросу о слове в языке и речи// Доклады и сообщения филологического факультета. Вп. 5.-М., 1984.-С. 58., Задорнова В.Я. Восприятие и интерпритация художественного текста.-М., 1984.-С.с. 109-119., Алексеев М.П. Пушкин и мировая литература.-Л., 1987. С.с. 110-111

11. Қурбонова М.О. Мустақиллик даври дostonлари лингвопоэтикаси.-Халқаро “Классик” нашриёти, 2021.